



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

2012 йил
8 сентябрь
ШАНБА
№ 72
(12.500)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

ТОМОРҚА – ТУГАНМАС ХАЗИНА



ЙИЛНИНГ ТҮРТ ФАСЛИ ДАРОМАД АРИМАЙДИ

Пискент тумани ҳокимлигида томорқадан гап очилиши билан Дўнгўрғон қишлоғи "Бўз" маҳалласилик Бахон бобо Бозоровни тилга олишди. 83 ёшли отахон бир кун ҳам қанда қилмай, сал кам бир гектарли боғда меваги дараклару хўраки тоқлар орасида куймаланиб, ҳам вақтини чоғ ўтказар экан, ҳам томорқадан унумли фойдаланишга баҳоли қудрат ҳисса қўшар экан.

– Ҳозир бобонинг узумлари айни етилиб, обдон шира боғлаган пайт, – дейишди ҳокимиятдагилар. – Юз марта эшитгандан бир марта кўрган афзал. Бахонада бобони зиёрат қилиб келсак, ёмон бўлмасди...

Бахон отанинг ҳовлиси оддий ўзбек хонадонини эслатади. Аммо, тоқзор ва боғи мақтаганларича бор экан. Адил, соғлом мева-ли дараклар, узум бошлари шигил тоқлари

ҳақиқатан ҳам миришкор боғбоннинг тажрибасидан далолат бериб турибди. Фурсатдан фойдаланиб, отани гапга солдик.

– Мен аслида ҳисобчи-ман, – дея ҳикоя қилади ота. – Жамоа хўжалигида кўп йиллар оддий бухгалтер бўлиб ишладим. Боғбону соҳибдорликка келсак, булар менинг кўшимча касбларим, у отамдан мерос бўлиб ўтган. Ҳа, бир пайтлар падари бузрукворимиз Сайёқ Бозоров Жиз-

захнинг Фориш тумани атрофларида тенги йўқ боғбон бўлганлар. 1952 йили Пискентнинг Дўнгўрғон қишлоғига кўчиб келганмиз. У кезларда бу ерлар кимсасиз чўлини эслатарди десам ишонаверинг. Ҳақиқатан ҳам одамнинг қўли гул. Мана энди қишлоқлар гавжум, хонадонлар обод. Билсангиз, буларнинг ҳаммаси томорқанинг шарофатидан. Аслида, ўзбек оилалари учун бу айни муддао. Чунки, бола-жон ва серфарзанд миллатмиз. Мана ўзимиздан қисс. Беш қиз, икки ўғил ўстирдик. 33 невага, 17 чеварамиз бор. Ўғилларга атаб уйлар солишимиз, тўйлар қилишимиз керак. Томорқасидан ақл билан фойдаланаётганлар бу орзу-ҳаваслардан қийна-

либ қолишмайди. Шулар қатори биз ҳам нафақат ён-атрофимиздаги, балки олис шаҳар бозорларига ҳам йил бўйи олма, ўрик, шафтоли чиқариб сотамиз. Ҳатто, ёнғоқларимиз бутун қиш бўйи бозорлардан аримайди. Астойдил қараганимиз учун ҳосил доимо сархил, харидоргир.

Бахон ота бир гапни айтмадилар. Яъни, кейинги йилларда нафақат "Бўз" маҳалласи, балки Дўнгўрғон қишлоғидаги кўплаб хонадонларнинг катталари бу миришкор боғбоннинг тажрибаларини ўрганиб, томорқаларини тартибга келтирмоқдалар ва беминнат кўшимча даромадга эга бўлмоқдалар.

Собир ЗУФАРОВ олган сурат.

ҚўШМА МАЖЛИС

ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Вилоятимиз шаҳар ва қишлоқларида ҳар йили бир миллион куб метр атрофида саноат ва маиший чиқиндилар ҳосил бўлади. Уларни йиғиш, саралаш, қайта ишлаш ёки бошқа усул билан йўқ қилиш долзарб муаммага айланиб бораёпти. Шунинг учун олиб, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Халқ депутатлари вилоят кенгашидаги

гурухи билан Қишлоқ ва сув хўжалиги, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари бўйича доимий комиссиясининг қўшма мажлиси "Маиший чиқиндиларни йиғиш, ташвиш ва утилизация қилиш ҳисоби-га ҳудудларни ободонлаштириш ва инфратузилмани ривожлантириш тўғрисида"ги масалани кўриб чиқ-

Мажлисни вилоят партия кенгаши раиси, депутатлик гурухи раҳбари Сирожиiddин Аъзамов бошқарди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Аҳад Аҳмедов ва Саттор Раҳматов "Чиқиндилар тўғрисида"ги Қонуннинг моҳияти ва ижроси, чиқиндиларни зарарсизлантириш ва йўқ қилиш тажрибаси ва бу жараёнларнинг долзарб ташкилий-ишлаб чиқариш муаммоларига алоҳида эътибор қаратишди. "Грант-Азия" масъулияти чекланган жамият раҳбари Ҳамидулла Дадаматовнинг маиший чиқиндиларни йиғиш ва зарарсизлантириш борасида Зангиота туманида амалга оширилаётган ишлар ҳақидаги маърузаси қўшма йиғилиш катнашчиларида катта қизиқиш туғдирди.

Баҳс-мунозаралар жараёнида чиқиндиларни қайта ишлаш соҳасини ривожлантириш, замонавий, чиқитсиз ва камчиқитли технологияларни жорий этиш, шу йўналишдаги юридик шахслар ва ҳусусий тадбиркорларга шартли яратилиш масалалари юзасидан фикр алмашилди. Сўзга чиққанлар чиқиндиларни утилизация қиладиган ва қайта ишлайдиган корхоналар барпо этиш ва қўллаб-қувватлаш талабга жавоб бермаслигини таъкидлашди.

Йиғилишда чиқиндиларни қайта ишлаш масаласини Халқ депутатлари вилоят кенгашининг навбатдаги сессияси муҳокамасига киритиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Шунингдек, қўшма мажлис интенсив боғлар барпо

Тошкент вилояти ҳокимининг
ҚАРОРИ

М. САЙДУЛЛАЕВНИ ЧИНОЗ ТУМАНИ ҲОКИМИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонуннинг 2-моддасига мувофиқ
ҚАРОР ҚИЛАМАН:

Тошкент вилояти Чиноз тумани ҳокими лавозимига Сайдуллаев Мансур Хабибуллаевич 2012 йил 6 сентябрдан тайинлансин. Ушбу қарор Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдаги сессиясига тасдиқ учун киритилсин.

Вилоят ҳокими

Р. ХОЛМАТОВ.

Тошкент шаҳри, 2012 йил 6 сентябрь.

Олий ҳарбий божхона институтида Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Мудоаа ва ҳавфсизлик масалалари қўмитаси билан ҳамкорликда "Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!" шиори остида давра суҳбати бўлиб ўтди.

ДЕПУТАТЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Давлат божхона қўмитаси ходимлари, Олий ҳарбий божхона институтининг профессор-ўқитувчилари, тингловчилар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбирда мустақиллик йилларида ислохотларнинг мустаҳкам қонунчилик базаси яратилганлиги, қатор стратегик йўналишларда, хусусан ҳарбий, энергетика ва озиқ-овқат соҳаларида тўлиқ мустақиллик ўрнатилганлиги, макроиктисодий барқарорликка эришилганлиги ва барқарор иқтисодий ўсиш суратлари таъминланганлиги, миллий қадриятлар қайта тикланганлиги, кўппартиявийлик тамойилининг қарор топганлиги ва сиёсий партиялар ролининг юксалганлиги алоҳида таъкидланди.

"Туркистон-пресс".

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ЧИНОЗ ТУМАНИ КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

Халқ депутатлари Чиноз тумани Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўрилди.

Сессия Оққўрғон туман ҳокимининг иқтисодиёт ва ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари бўлиб ишлаб келган Сайдуллаев Мансур Хабибуллаевични Чиноз тумани ҳокими этиб тасдиқлади.

«КЕЛАЖАК ОВОЗИ – 2012»

ҒОЛИБЛАР МУНОСИБ ТАҚДИРЛАНДИ

Тошкент Давлат аграр университетида "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази ҳамда "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида "Келажак овози – 2012" республика кўрик-танловининг Тошкент вилояти босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида истеъдодли ёшларни аниқлаш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда мамлакатимизда бир қатор нуфузли мукофотларнинг таъсис этилгани, турли кўрик-танловлар, спорт мусобақалари мунтазам ўтказиб келинаётгани яхши самара бераётди.

Нуфузи йилдан-йилга ортиб бораётган "Келажак овози" танлови ҳам ёш иқтидор соҳибларини кашф этиш ва муносиб рағбат-

лантириш, уларнинг ижодий салоҳиятини рўёбга чиқаришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Танловнинг дастлабки саралаш босқичида вилоятимиздан олти минг нафарга яқин йигит-қиз иштирок этди. Юксак савияда ташкил этилган саралаш орқали минг нафардан зиёд вилоят босқичи иштирокчилари аниқланди. Улар архитектура ва дизайн, ахборот технологиялари, рационализаторлик тақлифлари ва техника ишланмалар, анъанавий ва амалий санъат, адабиёт ва публи-

цистика номинациялари бўйича ўз билим ва иқтидорларини яна бир бор синовдан ўтказдилар. Ушбу ёшлар орасидан 39 нафари танловнинг мамлакат босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Танловда ахборот технологиялари, рационализаторлик тақлифлари ва техника ишланмалари бўйича иштирокчиларнинг тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Менинг ҳам мақсадим – мамлакат босқичида ғолиб чиқиш.

Маросимда ғолибларга диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Л. СУВОНОВ, ЎЗА муҳбири.



«CHEVROLET COBALT»: ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН

Пойтахтимизда 5 сентябрь кuni "GM Uzbekistan" қўшма корхонасида ишлаб чиқарилган янги "Chevrolet Cobalt" автомобилнинг тақдироти бўлиб ўтди.

Тадбирда мамлакатимизнинг тегишли вазирлик ва идоралари, "General Motors" компанияси, Ўзбекистонда фаолият кўрсатётган дипломатик корпус вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тақдирот маросимида Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси ва раҳнамолигида асос солинган Ўзбекистон автомобилсозлик саноати истиқлол йил-

ларида халқимизнинг улкан бунёдкорлик салоҳиятини рағбатлантиришга қўшилган таъкидланди. Дунёнинг нуфузли компаниялари билан ўзаро тенглик ва манфаатли муносабатларни ўрнатишга асосланган бу борадаги ривожланиш стратегияси жаҳон стандартлари даражасида рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилганлиги.

(Давоми 2-бетда).



«ЯГОНА ОЙНА» ХИЗМАТИНГИЗДА

Сўнгги йилларда мамлакатимизда мобил алоқа тизими соҳаси яхшиланди. Алоқа компаниялари тақлиф этаётган хизматлар аҳолига манзур бўлмоқда.

"UZMOBILE" алоқа хизмати ҳам қатор афзалликлар билан фойдаланувчилар тез кўпайишига эришди.

Куни кеча Чиноз тумани-

да "Ягона ойна"нинг худудий бўлими иш бошлади. Бу ерда мижозлар рўйхатдан ўтишлари, интернет хизматига осонгина ула-нишлари мумкин. Шунинг-

дек, улар телефон аппаратларини харид қилиш имконига эга бўладилар. Жойларда бу каби бўлимларни ташкил қилишдан кўзланган мақсад аҳолига юқори сифатли хизмат кўрсатиш-ни таъминлашдир.

Ирода МАКСУД қизи. Даврон АҲМАД олган сурат.

2013 йил учун
ОБУНА

бошланди.
«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
газетаси индекси – 205.



СПОРТ ФИЛЬМЛАРИ НАМОЙИШИ БОШЛАНДИ

Пойтахтимизда Ўзбекистон спорт кинеси ва телевидениеси федерацияси, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси ҳамкорлигида "Спорт кино ва телевидениеда" VII халқаро саралаш фестивали бошланди.

Фестивалнинг очилишида Ўзбекистон спорт кинеси ва телевидениеси федерацияси раиси С. Рўзиев Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда спортни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар ўзининг юксак самараларини бераётганини таъкидлади.

Мамлакатимиз спорт саноатининг, соҳа ривожини йўлида яратилаётган кенг имкониятлар, спортчилари-

мизнинг халқаро майдонларда эришаётган ютуқларини дунёга намойиш этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2005 йилдан буён пойтахтимизда анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Спорт кино ва телевидениеда" халқаро саралаш фестивали бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон – жадал тарққий этаётган мамлакат, – дейди Халқаро спорт кинеси ва телевидениеси федерациясига бугунги кунда дунёнинг юз-

аскани (Италия). – Ўзбекистонда маданият, санъат ва спорт соҳаларида халқаро фестиваллар, кўргазмалар ва нуфузли мусобақалар юқори савияда ташкил этилаётганидан яхши хабардоримиз. "Спорт кино ва телевидениеда" VII халқаро саралаш фестивали ҳам мамлакатимизда спорт ва санъатни ривожлантириш борасида изчиллик билан амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар бераётган самараларини жаҳонга янада кенгрок танитишга хизмат қилади.

Таъкидлаш жоизки, Халқаро спорт кинеси ва телевидениеси федерациясига бугунги кунда дунёнинг юз-

"Спорт кино ва телевидениеда" халқаро саралаш фестиваллари дунёнинг 14 шаҳрида ўтказилмоқда. Мазкур саралаш фестивалларида юқори ўринларни эгаллаб, голиб чиққан кино ва телевидение махсулотлари жорий йилнинг декабрь ойида Миланда ўтадиган XXX Бутунжаҳон "Sport movies & TV" фестивалига тақдим этилади.

Пойтахтимизда ўтаётган халқаро саралаш фестивалига Ўзбекистондан ташқари АҚШ, Буюк Британия, Россия, Испания, Германия, Франция, Италия, Туркия, Австралия, Хитой, Ҳиндистон каби дунёнинг йигирмага яқин давлати ижодкорлари олтидан зиёд ҳужжат-

ли фильми тақдим этган. Ҳайъат аъзолари улардан ўттизтасини танлаб олди. Фестивалда ана шу ҳужжатли ва телевизион фильмлар, репортаж ва очерклар, ижтимоий роликлар намойиш этилмоқда.

Ўзбек ижодкорлари фестивалга Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси "Спорт" телерадиоканали, "Ўзбектеlevision" давлат унитар корхонаси, "Ўзбеккино" Миллий агентлиги, шунингдек, нодавлат телеканал ва киностудиялар томонидан тайёрланган мамлакатимиз спорт ҳақида ҳикоя қилувчи фильмларни тақдим этган.

Байрам АЙТМУРОДОВ,
ЎЗА мухбири.



БИРИНЧИ КЎНФИРОҚ СИГИРЛАР ГУВОҲЛИГИДА ЎТДИ

Сиктивкар шаҳрининг Эжвинск туманидаги мактаблардан бирида биринчи кўнфиноқ маросими барбод бўлишига бир баҳа қолди.

Ички ишлар вазирлигининг шу минтақадаги сайтида тарқатилган хабарга кўра, полиция ходимлари дайди сигирларнинг янги ўқув йили бошланишига бағишланган тантанани бузишлари йўл қўйишмади. Фермадан "қочиб кетган" бир пода сигирлар бутун шаҳарга тарқаб кетибди.

Маълумотларга қараганда, сиктивкарликлар шаҳар кўчаларида қандайдир дайди сигирлар кезиб юргани ҳақида 1 сентябрданок тўрт тарафга жар солишни бошлашган. Маълум бўлишича, жониворлар молхона очик майдонидидаги тўсиқни бузиб, кулатиб, шаҳар бўйлаб ёйи-

либ кетибди. 27-мактаб ҳовлисида пайдо бўлган бир тўда сигир



қувнок болалар сафига қўшилишга интилган пайтда полиция ходимлари қўл ушлашиб, улар йўлини тўсиб қўйишди, тантанали маросим бузилди, биринчи кўнфиноқ бироз кечикиб бўлсада, чалинди.

Шундан сўнг сигирларнинг эгаси билан боғланишга муваффақ бўлинди. Сигирлар машиналарда фермаларига "қайтиб кетишди". Ушбу камёб ҳодиса юзасидан текширув ўтказилди ва энди натижалар жаҳон афкор оммаси эътиборига ҳавола этилади.

БИЛАСИЗМИ?



Кум қаъридаги кема

АҚШда давом этаётган Исаак тропик тўғони Алабама штатида, денгиз соҳилида қалин кум уюми остида ётган кемани юзга олиб чиққан. Бу қадимий кема соҳил яқинида яшовчи маҳаллий аҳоли томонидан аниқланган. Буг дивателли ёрдамида ҳаракатланадиган бу кема тўла ёгондан ишланган. Археологларнинг таҳминича, "Рахил" деб номланувчи бу сув транспорт тартиб ҳарбий кема бўлган.

Маълумот ўрнида шунини айтиш жоизки, айни кунларда АҚШга миллионлаб долларлик иқтисодий зарар келтираётган Исаак тўғонидан Миссисипи ва Луизиана штатлари кучли талафот кўрган. Қарийб бир миллиондан зиёд киши хавфсиз ерларга кўчирилган. Маҳаллий аҳоли ҳамон электр таъминотисиз қийналмоқда.

ОДАМИЙЛИК ШЕВАСИ

ЯХШИ НИЯТ БИЛАН ЯШАЙДИ ОДАМ

Эрта кўламли шаҳарлик дўстлар дарё бўйига балиқ тутиб, дам олиш учун келдилар. Улардан бирининг дарёга яқин богда ишлаётган чолга кўзи тушди. Богнинг тўрт тарафига дарахт қипиқларини уйиб чимқок эди. Унга қизиқиб қолган йигит чолни чақирди:

– Отахон, бу ёққа келинг, биз билан бирга балиқшўрва ичинг. Боядан бери кузатайман сизни, қариган чоғингизда нима қилайсиз богда уриниб? Уйда тинчгина ўтирсангиз бўлмайми, – деди.

Шунда чол унинг кўнглига тегмайгина, ранжитмасдан:

– Ҳа, энди ҳаракат-да, кечаси сувқу тушармиш, гулини асрасанг, мевасидан баҳраманд бўласан. Шунинг учун кечки совуққа қарши дарахт қипиқларини богнинг тўрт тарафига уйиб чиқаямман, кечгача тутатиб қўяман, – дея ишини давом эттирди.

Чол уларнинг қистови

билан богдан чиқиб, дарёга келиб қўшилди.

– Қадаҳларни тўлдиринг, – деди улардан бири. – Бу қадаҳни меҳмонга келган шу отахонимиз учун кўта-раминг. Ҳаммамизини шу отахонимиздек табаррук ёшга етказсин, илоҳим. Қани олдиқ...

– Отахон, энди қадаҳ сўзи сизга, бирор тилак тилаб юборинг, – тиржайган ҳолда тақлиф қилди машахтурлардан бири.

– Мен ичмайман. Сиз ёшлар яхши ўтирибсизлар. Лекин балиқ шўрадан татиб кўриб, тилагини айтман. Яхши дам олинглар, соғ-саломат бўлинглар, сизлар ҳам менинг ёшимга етиб, неварали, чеварали бўлиб, улар роҳатини кўриб юринглар.

Машахтурлар навбатдаги қадаҳни бўшатишди. Улардан бири чолнинг ёшини сўраб, сўнг ўйламай:

– Ёшингиз етмишдан ошибди, қилаётган ишла-

рингиз фойда берган тақдирда ҳам сиз бу богнинг мевасидан татиб кўришга ета оласизми, йўқми ҳали? – деди.

– Одам ҳамиша яхши

ният қилиб яшаши керак. Яхши ният ярим мол, умидли дунёда, болам, – деб кўя қолди чол.

Орадан вақт ўтиб, ёз ойлари богдаги мева-чевалар фарқ пишди. Кунларнинг бирида ўша йигитлар яна дарё бўйига балиқ тутиб, дам олишга келишди. Не кўз билан қўришсинки, богдаги ҳамма мева-чевалар фарқ пишди. Илгари ўйламай сўзлаган йигит мева-чевалардан татиб кўриш учун бог эгасини чақирди. Шунда богбон уни ичкарига тақлиф қилди, олдида богда пишган барча ноз-неъматлардан қўйди. Йигит чолни таниди. Чол ҳам йигитни таниб, шундай деди:

– Яхши ният – ярим мол, дейишди донишмандлар. Бу богларни ўзим учун эмас,

мендан кейинги неварачеваларим, ўтган-кетганлар баҳраманд бўлсин деб яратганман. Богбон бўлганим учун имкони борича шу ишимни давом эттираман. Мана бу йилги пишқиллик ҳам етиб келдим, бог мевасидан татиб кўриш менга ҳам насиб этди.

Ҳайратланган йигит шундай деди:

– Богингизни кўриб, ниҳоятда ҳавасим келди. Офарин сизга, яхши ниятингиз амалга ошибди. Меҳнатингиз зое кетмабди. Кўламинг совуқдан дарахт гуллари асраб қолган экансизда. Ўша пайтда енгилтақлик қилиб айтган сўзларим учун мени кечиринг.

Шунда богбон чол: – Ҳечқиси йўқ, инсон қарими, ёшми яхши ният билан яшаши керак. Меҳнатим зое кетмади. Энди унинг мевасидан дўстларинг ҳам баҳраманд бўлсин, – деб сархил мевалардан териб, унга тутказди.

Неъматулла ҚОСИМОВ.

КЎРГАЗМА

Илгари хабар қилинганидек, пойтахтдаги Ёшлар ижод саройида Ватанимиз муотакиллигининг 21 йиллигига бағишлаб уюштирилган "Навирон Ўзбекистон – 2012" анъанавий санъат фестивалига 350 иштирокчи тақдим этган 2500 дан зиёд асарлар намойиши муҳлисларда катта қизиқши уйғотмоқда.

ТАБИАТНИ ҚАДРЛАШГА, АСРАШГА ЧОРЛАЙДИ

Фестиваль доирасида рассомлар, санъатшунослар, дизайнер ва санъатнинг бошқа йўналишлари вакиллари иштирокида "Устоз-шогирд" мавзусида дарахт, кўрғазмага қўйилган асарлар ҳамда уларнинг муаллифлари иштирокида эркин фикр алмашув асосида муҳокама ҳам бўлиб ўтди.

Кўрғазмадаги тасвирий санъат асарларида мамлакатимизнинг гузал табияти, йил фасллари, заминимиз неъматлари, қишлоқ ҳаёти, турмуш тарзини, истиқболдаги янги уй-жойлар, хиёбон ва бог-роғлар ҳамда дам олиш жойларининг мафтунлар манзаралари, меъморий ёчимлари, дизайн намойиш этилмоқда. Экспозициядан ўрин олган "Сўқоқ" (рассом А. Ҳамдамов), "Ҳожикент" (Б. Жамоллиддинов), "Чимён", "Сўқоқ қишлоғи" (С. Қобилов), "Ҳожикентда шом" (Х. Хусанов), бир-бирини тўлдирган "Товоқсой" номли икки асар

(К. Жамоллиддинов, К. Жўракулов), Хумсонга бағишланган учта асар ҳам (Н. Мирсаидов, К. Умурзоқов, А. Пернабоев) кишига эстетик завқ бағишлаш билан бирга, табиятни асрашга, борлиқни қадрлашга чорлайди.

Биз фестивал кўнлари кўрғазмадаги ишлар билан танишаётган ёш ижодкор, Зангитота тумани 13-болалар мусика санъати мактаби ўқитувчиси Дилфуза Қўчқоровани учратдик.

– Мен ўзим тайёрлаган гиламларим билан фестивалда қатнашмоқдам, – деди Д. Қўчқорова. – Бу ишимни 4 ой давомида дарсдан бўш вақтларимда тайёрладим. Менинг мусика мактабидидаги санъат йўналиши бўйича педагогик фаолиятим гилам тўқиш санъати билан шуғулланишимга туртки берди. Махсулотларимнинг ёшлар ижод саройида намойиш этилаётгани мени яна ва яна ижодга илҳомлантирмоқда.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.

РАССОМ КИНОЯСИ



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ

Манзил: 100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилик
кўчаси, 32.
e-mail:
th.tp@mail.ru

Қабулхона:
Бўлим муҳаррирлари ва
мухбирлар:
Шартнома ва эълонлар:
Ҳисоб-китоб бўлими:

Телефонлар:
233-64-95, 236-55-59,
233-58-85 (факс).
233-12-83, 233-48-08.
236-55-54.
233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Жўра САБДУЛЛАЕВ
Навбатчи
Юлдузхон МУҲИДДИНОВА
Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ